

Олди-сотди Шартнома

(2-мактабга труба олиш хақида)

20«12»2022 yil.

283-11-165-ХТ/2022-son

«Мирзабой Азиз 2022» МЧЖ бундан буён матнда «БАЖАРУВЧИ» номидан филиал директори А.Турсунов низомга асосан фаолият кўрсатувчи, бир томондан ва Ф.Х.Юлдашев бундан буён матнда «БУЮРТМАЧИ» Ёзёвон туман ХТБ низомига асосан фаолиятини амалга оширувчи иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартнома тузишди.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 Фарғона вилояти Ёзёвон туман Халқ таълими бўлими тизимидаги 2 умум ўрта таълим мактабига иссиқлик тизимини таъмирлаш учун труба олиш.

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Труба стальная 57 ли	метр	400	38900	15560000
2	Труба стальная 20 ли	метр	800	21300	17040000
	Жами				32600000

2. ШАРТНОМА БАХОСИ

2.1. Шартнома умумий бахоси лойиха ҳисоб китоб бўйича 32 600 000 (Ўттиз икки миллион олти юз минг) сўм. ҚҚС билан.

2.2. Шартнома кийматига сарфланган материал ва уларни ўрнатиш бўйича хизмат ҳақлари киритилган.

(умумий шартнома бахоси ўзгариши мункин)

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ҳисоб китоб пул ўтказиш йўли билан 30 % микдорида аванс ўтказиб беради.

3.2. Счёт фактура, бажарилган ишлар хақида маълумотнома, сарф қилинган материаллар ва бошқа барча тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлгандан сўнг ҳисоб китоб қилинади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШ МУДДАТИ

4.1 Ушбу шартнома тегишли тартибда Юридик хизмат кўрсатиш марказидан ижобий ҳулоса олиниб, молия бўлимининг ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга қиради ва тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қилади.

4.2 Ушбу шартнома томонлар имзолаб шартноманинг 3.1 бандида кўрсатилган тўловлар тўлангандан кучга қиради ва тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амалда бўлади.

4.3 Шартноманинг амал қилиш муддати **31 декабр 2022 йил**

4.4 3.2.банди бўйича бажарилган ишлар муддати **31 декабр 2022 йил**

5. ТАРАФЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. «БУЮРТМАЧИ»нинг мажбурияти:

5.1.1. Счёт фактура, бажарилган ишлар хақида маълумотнома, назорат ўлчов баённомаси, ижро чизмалари, ишчи комиссиясининг далолатномаси, сарф қилинган материллар ва бошқа барча тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлгандан сўнг 10 кун ичида ҳисоб китоб қилинади.

5.1.2. «БУЮРТМАЧИ» ўз вақтида бажарилган ишлар ҳажмини қабул қилиш.

5.1.3. Тегишли даражада сифатли бўлмаган ишлар (хизматлар) аниқланганидан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 72 соат ичида «БАЖАРУВЧИ»ни огохлантириш.

5.1.4. Бажарилган ишлар бахосини ушбу шартномада белгиланган микдорида ва муддатларда тўлаш.

5.2. «БАЖАРУВЧИ»нинг мажбурияти:

5.2.1. Бажарилган ишлар (хизматлар) қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, сифатига қараб муддатида топшириш.

5.2.2. «БАЖАРУВЧИ» бажарилган ишлар (хизматлар) учун камида 12 ой қафолат муддати давомида аниқланган камчиликларни ўз ҳисобидан тўлиқ амалга оширади.

6. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. “БАЖАРУВЧИ” бажарилган ишларни ёки кўрсатилмаган хизматларда “БУЮРТМАЧИ” га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмини 0,2 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилган ишларни ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги зарур.

6.2. Агар бажарилган ишларни ёки кўрсатилмаган хизматлар сифати, ассортименти, нави бўйича стандартлар, техник шартларга ва намуна (эталон)ларга қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса “БУЮРТМАЧИ” ишларни (хизматлар) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, “БАЖАРУВЧИ”дан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар (хизматлар) қийматини 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга ҳақлидир, агар ишлар (хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар (хизматлар) учун жарима “БАЖАРУВЧИ”дан актсепсиз тартибда ўндириб олинади.

6.3. Бажарилган ишлар (хизматлар) ҳақини “БУЮРТМАЧИ” ўз вақтида тўламаса кечиктирилган хар бир кун учун тўлов суммақининг 0,4 фоизи миқдори, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Жарима, пеня тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

7. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларни тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишида пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши евазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишга йўл қўйилмаганлигини, таклиф етилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир етмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

хабардор қилиши шарт.

7.4. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф билан олдида ўзида боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, zilзила, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартнома ижросини бекор қилишлари мумкин.

9. НИЗОНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномада ёки унда боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан хал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатлари асосида иқтисодий суди орқали хал қилинади.

10. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина ҳуқуқий кучга эга ҳисобланади.

10.2. Шартномани тарафларни ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига асосан келтирилган зарарни қопланган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

11. БОШҚА ХОЛАТЛАР

11.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилиб бир хил ҳуқуқий кучга эга.

11.2. Ушбу шартнома Ёзёвон туман юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан ижобий хулоса олиниб, газначилик бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб юридик кучга кирилади.

12. ТАРАФЛАР МАНЗИЛГОҲИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАР

“БАЖАРУВЧИ”

«Мирзабой Азиз 2022» МЧЖ
Манзил: Ёзёвон т Баҳор МФЙ Андижон кўчаси 1-уй
Х/Р: 20208000305583452001
Банк номи: "Ипотека-банк" АТИБ Фарғона фил
МФО: 00544
ИНН: 309995457
ОКОНХ:
ҚҚС тўловчи: №
Тел:

Рахбари:




А.Турсунов

“БУЮРТМАЧИ”

Ёзёвон туман ХТБ
Манзил: Мустақиллик кўчаси 53-уй
х/р: 100022860302427072100075042
Банк: Марказий банк Тошкент
шаҳар ХККМ
ИНН: 200169764
ОКОНХ: 84112
Молия вазирлиги газначилиги
х/в: 23402000300100001010
МФО: 00014
ИНН: 201122919
тел: 73 412 16 81

Рахбар:

Ф.Х.Юлдашев

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	FOZILJON YULDASHEV XAYDAROVICH
	Imzolangan sana	20.12.2022 10:10
	Hujjat kodi	VK7864332740
	Hulosa kodi	DS4476223705

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

DS4476223705

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Oldi-sotdi shartnoma to'g'risida**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Yozyovon tumani xalq ta'limi tomonidan 19.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yozyovon tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



U.R.RAYIMJONOV

20.12.2022